O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2004 йил 11 ноябрь, № 233 (3508) Пайшанба

## БЕЛОРУСЬ БОШ ВАЗИРИНИНГ ТАШРИФИ

***ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Нодирбек ЎЛЖАБОЕВ).***

Белорусь Республикаси Бош вазири Сергей Сидорский раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Мираброр Усмонов билан учрашди.

Музокарада икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларнинг бугунги аҳволи ва истиқболига оид масалалар муҳокама этилди. Ушбу соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантириш имкониятлари кўплиги ва уларни ишга солиш давр талаби эканлиги таъкидланди.

Ўзбекистонда Белорусь сармояси иштирокида ташкил этилган йигирмага яқин қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Икки мамлакат ўртасидаги йиллик савдо айланмаси ўртача 40 миллион АҚШ долларига тенг.

Белорусь Бош вазири Ўзбекистон тасвирий санъат галереяси билан танишди.

## Миллатлараро аҳиллик – тараққиёт асоси

**130 дан ортиқ миллат ва элат, турли дин ва маданиятлар вакиллари Ўзбекистонда тинч ва аҳил ҳаёт кечирмоқда. Улар мамлакатимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, бозор иқтисодиёти ривожланган демократик ҳуқуқий жамият барпо этиш, Ватанимизнинг халқаро миқёсдаги нуфузини ошириш ишига ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.**

"Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш марказида ўтган "Ўзбекистон: ўзига хосликни англаш ва жаҳон ҳамжамияти" мавзуидаги давра суҳбатида шу ҳақда сўз юритилди.

Учрашув Германиянинг Фридрих Эберт номидаги жамғармаси ваколатхонаси билан биргаликда "Фуқаролик форуми" лойиҳасини амалга ошириш доирасида ташкил этилди. Унда социологлар, сиёсатшунослар, тарихчилар, ҳуқуқшунослар, олимлар ва бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар мутахассислари иштирок этди.

— Дунёни қамраб олган глобаллашув жараёнида турли мамлакатлар халқлари миллий ўзига хослигини, маданий илдизларини англаши жуда муҳимдир, деб таъкидлади учрашувни очар экан "Ижтимоий фикр" маркази директори, академик Р.Убайдуллаева. — Бугун маданий хилма-хиллик кўп давлатларга хос. Шу муносабат билан фуқаролик, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, миллий ўзига хосликни сақлаб қолиш, халқаро ҳамда давлатлараро мулоқотлар тобора кенгайиб бораётган шароитда уни умуминсоний қадриятлар билан уйғунлаштириш долзарб масалага айланмоқда.

"Биз киммиз, тарихга муносабатимиз ва бугунги ривожланишдаги ўрнимиз қандай?" деган саволга жавоб излаш жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашув шароитида муҳим аҳамият касб этади, деб таъкидланди учрашувда. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ишлар бу борада дунёнинг кўп мамлакатлари учун ўрнак бўла олади. Мустақиллик шарофати билан бугун Ўзбекистоннинг кўпмиллатли халқи аҳиллик ва бирдамликда янгича ҳаёт қурмоқда. Барча миллатлар вакиллари ўз маданияти, тили, удумлари, анъаналарини ривожлантириш имкониятига эга ва бунинг учун уларга барча шароит яратилган. Миллатлараро фуқаролик ҳамкорлигининг бундай тажрибаси жаҳон амалиёти учун катта аҳамиятга эга.

Халқларнинг ўзига хос шаклланиш жараёнларини ўрганиш барқарор ривожланишга эришишда энг муҳим ўрин тутади, деб таъкидлади урашувда Фридрих Эберт номидаги жамғарманинг Марказий Осиёдаги ваколатхонаси раҳбари Р.Крумм. Германия ва Ўзбекистон олим ва мутахассисларининг яқин орада бошланадиган ҳамкорликдаги тадқиқотлари ҳам ана шу мавзуга бағишланади.

**А.ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**



## *Билим олиб, касб ўрганишаяпти*

*Кейинги йилларда мамлакатимизда таълим тизимига, ёш авлод тарбиясига эътибор яна ҳам кучайди. Бу борада республика Вазирлар Маҳкамасининг "2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосий дастуруламал бўлмоқда.*

*Пойтахт вилоятининг Чирчиқ шаҳрида ушбу қарор ижросини таъминлаш йўлида кўплаб ишлар амалга оширилаяпти. Шаҳардаги 23-ёрдамчи умумтаълим мактабида 250 дан ортиқ ногирон болалар билим олади. Бу ерда ўқувчиларга таҳсил бериш билан бирга дурадгорлик, чилангарлик, тикувчилик ва сартарошлик каби ҳунарлар сирлари ҳам ўргатилмоқда. Бунинг учун мактабда барча шароит мавжуд.*

*СУРАТДА: логопед-ўқитувчи Флора Тошметова дарс пайтида.*

**Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган сурат.**

## Сиз қаерда ишлайсиз?

*токи сафимизда бу саволга жавоб беролмаган одам қолмасин*

*Парламент назорати*

Кеча Олий Мажлиснинг Оила ва аёллар муаммолари комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигида ўтказилган ушбу йиғилишни комиссия раиси Ш. Салимова олиб борди. Унда «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуннинг Қорақалпоғистон Республикасидаги ижроси муҳокама қилинди.

Таъкидландики, Қонун ижросини таъминлаш мақсадида ишсизликнинг олдини олиш, банкрот бўлган корхоналардан бўшатилганларни ишга жойлаштириш, касбга йўналтириш ва қайта ўқитиш мақсадида «Бандлик» дастури ишлаб чиқилган. Ўтган йили меҳнат бўлимларига иш сўраб мурожаат қилган 32.233 нафар фуқаронинг (шундан 14.217 нафари хотин-қиз) 67 фоизи иш билан таъминланган. Жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида эса иш сўраб келган 21.859 нафар фуқаронинг (шундан 10.245 нафари хотин-қиз) 67,7 фоизи ишга жойлашган. Бундан ташқари, йиғилишда Оролбўйи минтақасидаги ишсизликни бартараф этиш учун ҳукуматимиз томонидан катта эътибор қаратилиб келинаётганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Жумладан, оилавий тадбиркорликни йўлга қўймоқчи бўлганларга имтиёзли кредитлар бериб келинмоқда. Шундай кредит олган оилалар қисқа вақт ичида рўзғори тўкинлигини таъминламоқда. Шуни инобатга олган Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги жорий йилда Қорақалпоғистонга қўшимча равишда 400 миллион сўм маблағ ажратди. Бу, сўзсиз, ишсиз юрган юзлаб кишиларнинг фойдали меҳнат билан машғул бўлишига имкон яратади.

Депутатлар ишчи гуруҳи Қонун ижросини ўрганиш жараёнида айрим қонунбузилиш ҳолларига йўл қўйилганлигини ҳам аниқладилар. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси томонидан 47 та текшириш ўтказилиб, корхона ва ташкилотларга 60 та тақдимнома киритилган. 55 нафар шахс огоҳлантирилган, 152 нафар шахс эса жавобгарликка тортилган. Иккита жиноий иш қўзғатилган. Шунингдек, айрим мансабдор шахслар томонидан иш ҳақларини ўз вақтида тўламаслик ҳолатлари ҳам аниқланган. Чунончи, Кегайли тумани машина трактор парки акциядорлик жамияти раҳбарияти 171 нафар ходимнинг 7,6 миллион сўмлик маошини тўламасдан келган. Тўрткўл тумани енгил саноат касб-ҳунар коллежи раҳбарларининг эса коллежда ишламайдиган 59 нафар фуқаро номига қалбаки ҳужжат билан 6,1 миллион сўм маблағни ўзлаштирганлиги фош этилган.

Аҳолини иш билан таъминлаш ҳақида гап кетганда, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинганларга ёрдам кўрсатиш, уларнинг ишли бўлишида масъул идоралар олиб бораётган тадбирларга ҳам тўхталиб ўтиш зарур. Жорий йилнинг тўққиз ойи даврида жазо колонияларидан озод этилган 701 фуқаронинг 425 нафарига моддий кўмак берилган, лекин айни пайтда бошқаларнинг иқтисодий шарт-шароитлари тўлиқ ўрганилмаган. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, 2004 йилнинг тўққиз ойида ишсизларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш борасида Тўрткўл, Чимбой, Беруний туманларидаги ишларни талаб даражасида деб бўлмайди. Элликқалъа, Хўжайли, Қўнғирот, Нукус туманларида эса бу масала бўйича мутлақо иш ташкил қилинмаганлигини қандай изоҳлаш мумкин?

Йиғилишда муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**Худойберди ЭШМАНОВ.**

## Мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2004 йил 9 ойи якунлари тўғрисида

***Президентимиз Ислом Каримов томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 7 февралдаги мажлисида белгилаб берилган иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштиришга қаратилган макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, иқтисодиётда хусусий тармоқ ўрни ва аҳамиятини ошириш, тузилмавий ислоҳотларни чуқурлаштириш, тўғридан-тўғри киритилаётган хорижий инвестицияларни рағбатлантириш, маъмурий ислоҳотларни амалга ошириш, ижтимоий соҳадаги дастурларни рўёбга чиқариш ҳамда ўтган йилнинг охирида жорий операциялар бўйича миллий валюта конвертациясини йўлга қўйишдан иборат чора-тадбирлар мажмуининг ҳаётга кенг татбиқ этилиши шу йилнинг 9 ойи мобайнида мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди.***

### *I.Макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишнинг жадаллашуви*

**Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар.** Жорий йилнинг 9 ойи давомида инфляция паст даражада барқарор турди ва ҳисобот даврида 0,3 фоизни ташкил этди.

2004 йилнинг учинчи чорагида иқтисодиётнинг реал сектори тармоқлари жадал ривожланди, бу эса умумий иқтисодий ўсишга олиб келди. 9 ой якунларига кўра, ялпи ички маҳсулот 8,9 фоиз ўсди, бу 2003 йилнинг тегишли даври даражасидан 2,2 марта ва жорий йилнинг биринчи ярим йиллигига нисбатан 2,7 фоиз кўпдир. Ялпи ички маҳсулот ўсиш суръатининг юқори бўлишига 2004 йил учинчи чорагида пахтанинг эрта пишиши ва терим мавсумининг юксак уюшқоқлик билан ташкил этилиши ҳам сезиларли даражада таъсир этди.

Товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни рағбатлантириш, ташқи савдо тармоғини ривожлантириш ва пул муомаласини мустаҳкамлаш, шу жумладан қишлоқ корхоналарини кредитлашнинг янги механизмларини жорий этиш туфайли ишлаб чиқариш ҳажми саноатда (10,2 фоиз), қишлоқ хўжалигида (14,2 фоиз), аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш (13,9 фоиз), қурилишда (2,6 фоиз) кўпайди.

**Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари**

(2003 йилнинг тегишли даврига нисбатан фоиз ҳисобида)

| | 2003 йил (9 ой) | 2004 йил (I ярим йил) | 2004 йил (9 ой) |
|---|---|---|---|
| Ялпи ички маҳсулот | 104 | 106,2 | 108,9 |
| Саноат маҳсулотлари ҳажми | 105,7 | 109,6 | 110,2 |
| Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш | 106,8 | 114,4 | 113,3 |
| Қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти | 104,7 | 110,4 | 114,2 |
| Қурилиш ишлари | 102,7 | 101,5 | 102,6 |
| Чакана товар айланмаси | 104,9 | 104,2 | 103,1 |
| Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш | 107 | 113,5 | 113,9 |

**Солиқ-бюджет сиёсати.** Реал тармоқда товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг ўсиши, мақсадли фискал сиёсатнинг амалга оширилиши, шунингдек, солиқ йиғишни оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг кўрилиши давлат бюджети даромадларининг прогноз кўрсаткичларини солиқлар бўйича 103,1 фоиз, божхона тўловлари бўйича 102,9 фоиз бажариш имконини берди.

Республика Йўл жамғармасини Молия вазирлиги тасарруфига ўтказиш ва молиявий интизомни мустаҳкамлаш натижасида йўл жамғармасига тушган даромад 119,6 миллиард сўмни ёки прогноз кўрсаткичларининг 108,8 фоизини ташкил этди. Пенсия жамғармасига даромад тушиши 522,5 миллиард сўмни ёки прогноз кўрсаткичларининг 100,4 фоизини ташкил этди.

(Давоми 2-бетда).

## *«Камолот кунлари»*

Тошкент Ахборот технологиялари университетининг Мирзо Улуғбек номидаги академик лицейда "Камолот кунлари" тадбирининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Тадбир давомида "Сайлов ва ёшлар", "Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция", "Партиялар ҳақида" сингари бир қатор мавзуларда давра суҳбатлари, семинар-тренинглар ўтказилиши кўзда тутилган.

**М. ТОЖИЕВА.**

## *«Яйрасин»нинг тузи ишончли*

Норинлик тадбиркор Жуманазар Қўшиев ташкил этган кенг тармоқли кичик корхона Тошлоқ қишлоғи аҳли юмушларига дадил елка тутмоқда. Жумладан, кўпчилик тадбиркор қайта таъмирлаб ишга туширган маиший иншоотлар хизматидан хурсанд. "Яйрасин" деб номланган мазкур корхонада ош тузини йодлаш ва қадоқлаш цехи ишга туширилди. Айни пайтда қайта ишланган ош тузи елим халтачаларда қадоқланиб сотувга чиқарилмоқда.

Мазкур цех ишга туширилиши билан ўндан зиёд қишлоқ ёшлари доимий иш ўринларига эга бўлдилар.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

*26 декабрь — Сайлов куни*

## УЧАСТКАЛАР САЙЛОВГА ШАЙ

***ҚАШҚАДАРЁ (ЎзА мухбири А.МУҲАММАДИЕВ).***

Вилоятда икки палатали парламент ҳамда халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларига сайлов ўтказувчи сайлов участкалари ташкил этилди. Айни вақтда участка сайлов комиссиялари таркиби тасдиқланиб, сайлов участкалари жойлашган бинолар жиҳозланмоқда.

Сайловчилар овоз берадиган жойларнинг кенг ва ёруғ, хоналарнинг иссиқ, очиқ ҳамда қулай бўлишига алоҳида эътибор қаратиляпти. Хусусан, сайлов участкаларини жойлаштиришда йўл ва коммуникация тармоқлари қулай, аҳолига яқин жойлар танланди.

— Округ ва участка сайлов комиссияларига ишни ташкил этиши учун дастлабки маблағлар ажратилди, — дейди халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссияси раиси, республикада хизмат кўрсатган юрист Мирза Турсунов. — Участкалар сайловларга оид қонун ҳужжатлари ва тегишли қўлланмалар билан таъминланди.

Хушхабар

## *Ҳамюртимизнинг Ҳиндистондаги ғалабаси*

Ҳиндистонда мукофот жамғармаси ўн минг АҚШ долларига тенг бўлган халқаро теннис турнири якунланди. Мазкур мусобақада иқтидорли теннисчимиз Оқгул Аманмуродова муваффақиятли иштирок этди. У саралаш баҳсларида ҳиндистонлик Сагарика Фадке, Исин Раи, Парул Госвами ва таиландлик Вилаван Чоптанг сингари теннис усталарини мағлубиятга учратди ва финалгача етиб келди.

Финал учрашувини яна бир ҳиндистонлик тажрибали ракетка устаси Рушми Чакравартига қарши ўтказган ҳамюртимиз 6/0, 7/6 натижа билан рақибидан устунлигини исботлади ва бош совринни қўлга киритди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ.**

! ШОШИЛИНГ! БАРЧАСИ СИЗ УЧУН!

*2005 йил учун обуна кампанияси ўзининг қизғин палласига кириб бормоқда. Бу муҳим тадбирни юқори савияда ўтказиш учун «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг 14 та ҳудудий почта корхоналарига қарашли 189 та туман ва шаҳар алоқа боғламалари ҳамда 3017 та алоқа бўлимлари фаолият юритмоқда.*

*Бундан ташқари йирик корхоналар ва ўқув юртларида обуна қабул қилиш пунктлари ташкил қилинган. Шунингдек, бу ишга кўп минг сонли хат ташувчилар жалб этилган.*



«ХАЛҚ СЎЗИ» ВА «НАРОДНОЕ СЛОВО»

газеталарига обунани почта корхоналари орқали расмийлаштиринг, улар нашрларни республика ҳудуди бўйича ўз вақтида кўрсатилган манзилга етказиб беришни кафолатлайди.

Халқпарвар, юртпарвар, фидойи инсонлар энг муносиб номзодлардир.



БУХОРО ВИЛОЯТИ

# МЕҲР ВА МУРУВВАТ МАНЗИЛЛАРИ БЎЙЛАБ

*Халқимизнинг азалий қадриятлари тикланишидан гуллаб-яшнаётган Бухоро заминига қадам қўйганимизда, энг аввало, Баҳоуддин Нақшбанд номи билан боғлиқ зиёратгоҳларга бордик. Мезбонларнинг таклифига биноан, дастлаб Баҳоуддин Нақшбанднинг устози Саид Мир Кулол мақбарасини, кейин буюк тариқат асосчисининг оналари қабрини, сўнгра Нақшбанд мангу қўним топган масканни зиёрат қилдик.*

*Бундан кейин ҳам вилоятнинг қайси бурчагида бўлмайлик — Ғиждувондаги тарихий обида қаршисидами, Пешкудаги авлиёлар қўнимгоҳидами, Исмоил Сомоний мақбарасидами — ҳамма-ҳамма жойда юз-кўзларида миннатдорлик ва шукрона туйғулар акс этган зиёратчилар дийдоридан баҳра олдик.*

*— Бўларкан-ку, — дея ўз мамнунлигини баён этди бизга тўқсонни қоралаб қолган Шомурод ота, — неча-неча даврлар бу табаррук жойлар оёқости бўлди, чангалзор кўринишда ётди. Президентимизнинг бундай савобли ишлари мана шу муҳташам бинолар тимсолида асрлар бўйи мангу яшайди. Халқнинг юрагига малҳам бўлиб тушган бу ишлар бутун Ўзбекистонимизни бало-қазолардан асрайди.*

*Озод ва эркин ҳаёт завқи одамлар кўнглидан жой олган, буюк авлиёлар руҳи шод бўлган Бухорода меҳр ва мурувват кўрсатиш ишлари қай даражада бўлиши керак? Ўз-ўзидан тушунарли, албатта. Вилоятнинг ҳамма туман ва шаҳарларида 2004 йилда пайдо бўлган ташаббуслар, умидбахш режалар мевалари яққол кўзга ташланиб турибди. Бухородаги собиқ Тўқимачилик тумани ҳокимлиги биноси ўрнида янгидан таъмирланган 32-Меҳрибонлик уйи ўзида эзгу ишлар қандай самара бераётганини ифодалаб турибди. Жорий йилда 85 та маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси ишга туширилди. Вилоят марказида «Ҳавзи нав» маҳалла гузари фойдаланишга топширилди. Икки бор ўтказилган ҳашарда 808,8 минг нафар киши қатнашди. Илгари ширкат хўжалиги идораси бўлган бинолардан 24 таси маҳаллалар ихтиёрига берилди. Пешкудаги «Туркистон» ширкат хўжалиги маъмурий биноси таъмирланиб, «Оилани ижтимоий ҳимоялаш» ўқув-ишлаб чиқариш маркази бунёд этилди.*

*Бундай эзгу ҳаракат бутун вилоятни қамраб олган. Улар билан танишганда руҳингизни ажиб туйғулар, ёрқин ҳислар янгилайди.*

## Кўнгил мезонлари

Одам боласи бу кўҳна дунёда борлиқдаги моддий неъматларнинг ўлчовини турфа хил мезонларда санаш, ҳисоблаш ҳадисини олган. Ҳар қандай миқдор бошқа бир кўрсаткичлар билан қиёсланганда унинг каттакичиклиги, пасту баланди баҳоланади. Лекин табиатнинг нодир гултожи саналмиш инсонлар ўртасидаги муносабатларда шундай ажиб қадрият борки, уни ҳеч қандай тарози, мукаммал ЭҲМлар ҳам ўлчаб беролмайди. Бу вужудида эзгулик туйғулари йўғрилган одамлар ўртасидаги меҳр ва мурувватдир.

Дарҳақиқат, бир-биримизга раво кўрган оқибатни сўм, килограмм ёки аршинда ўлчаб бўладими?! Истиқболингизга пешвоз чиққан одамга астойдил хайрихоҳ эканлигингизни кардиограмма қоғозга тушириб бера оладими?! Кеча волидасини дафн этган маҳалладошингиз ҳузурига бориб берган таскинни қайси рақамда ифодалаш мумкин?!

Йўқ, бундай туйғуларнинг бош тарозибони бор: у кўнгилдир. Ахир ҳаётда ҳамиша нимагаки меҳр кўрсатсак, муносиб жавобини олиб келамиз. Юракдан бажарилган ишлар юракларга малҳам беради. Ўзбекнинг асрлар мобайнида эъзозлаган самимийлик, хайрихоҳлик, бағрикенглик фазилатлари фақат эзгулик уруғини кўпайтирган, одамлар танасига ғайрат-шижоат ато этган.

Бухоро вилояти кенгликларида Меҳр ва мурувват манзиллари бўйлаб сафар қилганимизда кўнглимиздан шундай ҳислар кечди. Аслида бу замин азалдан табаррук тупроққа дахлдорликдан ғурур боис, ватан меҳри боис гуллаб-яшнамоқда. 2004 йил давомида, Президентимиз таклиф этган қутлуғ йил шарофати билан, янада кўркамлик бахш этмоқда.

Масжиди Калон саҳнида ажиб бир мулоқотнинг гувоҳи бўлдик. Вилоят бош имом хатиби Ҳожи Абдулғафур Раззоқ Бухорий Япониядан келган меҳмонларга ўз юрти ҳақида гапириб бераётган экан. Ҳар нарсага синчков японлар таржимон орқали тақсирни сўроққа тутишди. Аниқроғи, «Меҳр ва мурувват йили» деган тушунчага изоҳ сўрашди. Ҳожи ҳам Ўзбекистонда ҳар бир йил олдига устувор вазифа қўйилиши анъанага айланганини, шу боис қандай натижаларга эришаётганимизни гапириб берди. Мавзу моҳиятини илғаган меҳмонлар «Қойил!», деб юборишди.

Агар кунчиқар мамлакатдан келган сайёҳлар фақат Бухоронинг обод ва серфайз кўчаларини эмас, энг чекка ҳудудлардаги қишлоқларда амалга оширилаётган ишларни ҳам кўрганларида ўша баҳони такрорлаган бўлишарди. Шу манзиллар бўйлаб юрганимизда (манзил деганда фақат маъмурий-ҳудудий бўлинма эмас, шу жойларни обод қилаётган инсонлар кўнглини ҳам тушунишингизни сўраймиз) тинч ва осойишта юртда бунёдкор қўллар нималарга қодир эканлигига имон келтирдик.

Ҳамроҳимиз, Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси Бухоро вилоят бўлими раиси Беҳбуд Жумаев деярли ҳар қадамда «Шу ерга бир кириб кетайлик» деган гапни такрорлайди. Мамлакатимиз мустақиллигининг 13 йиллиги арафасида Президент Фармонига биноан «Дўстлик» ордени билан тақдирланган Беҳбуд ака эътиборни кўпроқ олис қишлоқлардаги манзараларга қаратарди. Қаранг, Ромитан, Вобкент, Пешку, Қоракўл, Шофиркон туманларида шу пайтгача фойдаланилмаётган нотурар жой биноларининг зарур қисми маҳалла тизими ихтиёрига берилибди. Бунёдкор қўллар бу масканларни обод қилганидан ташқари 1200 нафар одам муқим иш жойига ўрнашибди.

Қоракўл туманидаги «Эркаклар мурувват уйи» ҳомийлар эътиборига тушди. Яхши ташаббус туфайли таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Шу ерда ўтказилган параолимпия спорт ўйинлари истиқомат қилаётган кишилар ҳаётида янгилик бўлди.

Вилоят ҳокимлиги ҳузурида ташкил этилган «Саломатлик» жамғармаси кўп савоб ишларни рўёбга чиқармоқда. Тез тиббий ёрдам хизмати такомиллаштириляпти. Қоровулбозор, Бухоро, Вобкент, Жондор, Ромитан, Шофиркон, Ғиждувон туманларига жами 20 та «Дамас» автомашинаси олиб берилди.

Вилоятнинг айрим ҳудудларида шундай кишилар борки, улар ўз қишлоқларидан нарига чиқишмаган. Айнан шундай кишилар ҳомий ташкилотлар, нодавлат идоралар ташаббуси билан вилоят марказидаги, Ғиждувон шаҳридаги, шунингдек, Хива, Самарқанд шаҳарларидаги тарихий обидаларга сафар қилишмоқда. Бундай тадбирлар одамларда Ватанга муҳаббат туйғуси, ифтихор ҳисларини уйғотмоқда.

Ҳа, эзгу ишларни бирма-бир санайверсак адоғига етиш қийин. Кўпгина саховатли тадбиркорлар савобли амалларини эл ичра ошкора қилмайдилар. Бунгаям раҳмат. Халқ эса кимнинг қандай қадам ташлаётганини кўриб турибди. Шундай яхшиликларни ҳисобга олувчи кўнгил мезонлари бор.



**Бухоро туманидаги «Маданият» ширкат хўжалигидан дунёга машҳур полвонлар етишиб чиққан. Биргина Собир ва Акобир Қурбоновларнинг номи жаҳон спорт майдонларида юртимиз мадҳияси билан бирга янграган. Чемпионлар яратган муҳит атрофга фақат эзгу ибратни таратмоқда.**



## Чиниққанга дард юқмас

Жорий йилда шу қишлоқда барча қулайликлар яратилган янги спорт мажмуаси бунёд этилди. Бухороликлар ўз фарзандларига меҳрини амалий ишларда кўрсатишаяпти. Ҳомийлар ғайрати билан вилоятда 160 миллион сўмлик маблағ болалар спорти иншоотларига сарфланди. Бухоро шаҳар ҳокимлиги «Ёшлик» спорт мажмуига ногиронлар учун 8 миллион сўмлик спорт жиҳозлари олиб берди.

10 та мактабда янги спорт майдони, 7 та катта теннис майдони ташкил этилиб, жиҳозлар билан тўлиқ таъминланди. 158,4 минг ўқувчи дарсдан кейин ўтказиладиган спорт секцияларига жалб этилди. Жиҳозлардан 107 та футбол тўпи, 82 та волейбол тўпи, 93 та баскетбол тўпи сотиб олинди. Йил охиригача яна 10 та спорт ўйингоҳи қўшимча таъмирланади.

Бу ҳаракатлар спорт билан ошно тутинган фарзандларнинг соғлом турмуш тарзида яхши самаралар бериши, шубҳасиз.

**СУРАТДА: «Маданият» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Муҳаммад Аҳмедов спорт билан шуғулланиб дуркун ўсаётган болалар ҳузурида тез-тез бўлиб туради.**

## *Рақамлар сўзлаганда*

● ***Жорий йилнинг ўтган даврида икки ёшгача боласи бўлган ишламайдиган 203894 нафар онага 2351,9 миллион сўм, 16 ёшгача боласи бўлган 331964 нафар оилага 2690 миллион сўм, кам таъминланган 34333 та оилага 295,1 миллион сўм нафақа тўланди.***

● ***32030 нафар 1-синф ўқувчисига 12 турдаги 229,5 миллион сўмлик ўқув қуроллари тарқатилди. «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчиларига дарслик сотиб олиб бериш учун 9,8 миллион сўм маблағ ажратилди.***

● ***Вилоятда кам таъминланган оила фарзандларига кийим-кечак олиш учун маҳаллий бюджетдан 484,1 миллион сўм ажратилди.***

● ***Мурувват уйларини таъмирлаш учун республика бюджетидан 45 миллион сўм, маҳаллий бюджетдан 45,8 миллион сўм, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси ҳисобидан 40 миллион сўм, ҳомийлар ҳисобидан 65 миллион сўм ажратилди.***

● ***2533-автокорхона ҳисобидан шаҳар транспортида қонунчиликда белгиланган тоифадаги фуқароларга бепул юриш ҳуқуқи берилди.***

● ***Умумтаълим мактаблари учун 35 миллион сўмлик 5 та синф комплект компьютери ўрнатилди. Ушбу мақсад учун 66 миллион сўм маблағ ўтказилди.***

● ***Ҳозирга қадар 139 та мактаб капитал ва 230 та мактаб жорий таъмирланди ва 286,9 миллион сўмлик маблағ молиялаштирилди.***

● ***Даволаш-профилактика муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида 269,8 миллион сўмлик тиббий жиҳозлар олиб берилди, 292,1 миллион сўмлик капитал таъмирлаш ишлари охирига етказилмоқда.***

● ***Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан дастур ижроси учун 331,8 миллион сўм ажратилди.***

● ***115,4 минг нафар пенсионердан 114,5 минг нафари, 33,8 минг ногирон ва 6269 нафар ногирон боланинг барчаси бирламчи диспансер кўригидан ўтказилди.***

● ***«Соғлом авлод учун» жамғармаси томонидан Австралиянинг «Хитк хопо» инсонпарварлик ташкилоти етказиб берган 12 тонна озиқ-овқат маҳсулоти тарқатилди.***

## Сараларни саралаб

Бухорода эзгу тадбирларни рўёбга чиқаришда ўзига хос танловлар ўтказиш яхши анъанага айланган. «Ташаббус-2004» вилоят босқичида «Энг кўп меҳр-мурувват кўрсатган тадбиркор» йўналишида Замира Жумаева ғолиб деб топилди.

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси ходимлари ўртасида «Энг саховатли оила», «Энг мурувватли корхона» кўрик-танлови якунланиш арафасида. «Телеком» ҳиссадорлик жамияти йил мобайнида 8,7 миллион сўмлик мурувват ёрдами кўрсатди.

Шунингдек, нодавлат ташкилотлар жойларда «Энг яхши маҳалла», «Энг намунали оила», «Спорти ривожланган энг яхши маҳалла», «Энг намунали милиция таянч пункти», «Намунали профилактика инспектори ва педагог тарбиячи» кўрик-танловлари ўтказилди.

## Равон йўллар, чароғон диллар



Бугунги Бухоро жамолини нафақат асрий обида ва ёдгорликлар, балки кўркам ва равон йўллар ҳам очиб юбормоқда. Ҳар икки томони анвойи гуллар билан бурканган кўҳна замин кўчаларидан юрсангиз бир олам завқ оласиз, бухороликларнинг она Ватанларини қанчалик севишларига ишонч ҳосил қиласиз.

Бу йўллар йилнинг тўрт фаслида дилларни чароғон этади, айниқса, олтин куз фаслида табиатнинг етти рангида товланади. Бу йўллар сизни эзгу ва фусункор манзилларга элтади. Беихтиёр кўнглингизга шундай фикр келади: бунчалик ажиб манзарани яратган бунёдкор қўллар фақат Ватан манфаати учун наф келтирадиган ишлар қилиши керак. Бундай ҳаракатнинг атрофдагиларга намуна бўлишини айтмайсизми?!

Шу йўллар бизни вилоятдаги меҳр ва мурувват манзилларига олиб борди. Насиб этса, ундан халқимиз орзуси — буюк келажакка ҳам етиб борамиз.

## «Мен бу ердан кетмайман!»

***Валя асли Когон шаҳрида туғилган. Ота-онаси уни 32-Меҳрибонлик уйига топширганига ҳам анча вақт бўлди. Шу давр ичида тенгқурлари билан бир оиладек яшашга ўрганиб кетди. Рост-да, оппоқ чойшаблар, иссиқ хона, дарсдан кейинги вақт ҳам зерикарли ўтмайди. Доимо меҳрибон нигоҳлар қаровида.***



Уйга бориб нима қилади? Кунда, кун аро жанжал, бақир-чақир. Эндигина 6-синфда дарс бошлаган В. Власова эрталабдан кўнгли ғаш бўлиб ўтирганди. Бежиз эмас экан. Кутилмаганда бу ерга онаси кириб келди.

— Мен ҳеч қаёққа кетмайман, — деб хархаша қилди у. Онаси қўлидаги сумкаларни кўрганда ниятини фаҳмлаганди.

— Йўқ дема, болам, — ёлборди она. — Агар бугун сени уйга олиб кетмасам, оналик ҳуқуқимдан маҳрум бўларканман.

Аёл Меҳрибонлик уйи раҳбарларига суд қарорини кўрсатди. Ҳа, қонун она томонида. Болакай ҳар қанча оёқ тирамасин, барибир Валяни онаси бу ердан олиб кетди.

— Шу воқеага икки кун бўлди, — дейди Бухоро шаҳридаги 32-Меҳрибонлик уйи директори Саида Шарипова. — Кўнглим узилгандай юрибман. Бояқиш тарбияланувчимиз нима бўлдийкин?! Бизда 96 нафар бола тарбияланаётган бўлса, уларнинг 9 тасида ота ҳам, она ҳам йўқ. 26 таси ярим етим. Қолганлари кам таъминланган хонадонлардан келган. Бу ердаги шарт-шароитни кўрганлар «Ҳамма нарса бору, фақат она меҳри етишмайди» дейишади. Йўқ, биз ана шу кемтикликни ҳам тўлдиришга ҳаракат қиляпмиз. Ўз ҳаётини шу соҳага бағишлаган фидойи ходимларимиз она меҳрини ҳам беришга шайдирлар.

Меҳрибонлик уйи хоналари, ҳовли жойларини завқ билан кўздан кечирдик. Яқинда бу ерда Халқ таълими вазири бўлган экан. Энг охирги муаммоларни ҳам Тошкентдан келган меҳмон ҳал қилиб берибди. «Сен ёлғиз эмассан» жамғармаси ҳадя этган хонадон кинотеатри, кўплаб дори-дармон, 130 жуфт пойабзал айни муддао бўлибди. Шундай меҳрибон ва ғамхўри бўлган болалар, албатта, нурли орзуларига эришадилар.

**СУРАТДА: Меҳрибонлик уйида тарбияланувчилардан бир гуруҳи.**

## *Инсоний бурчлар*

*Йўлиққанда таниган ва танимаган кишиларга салом бериш; қариндош-уруғларни ҳурмат қилиш; касал кишиларни бориб кўриш; мусибат етганларга таъзия изҳор этиш; таъзияларда иштирок қилиш; юки оғир бўлган кишиларга, ожизларга ёрдам бериш; бошқа дин вакилларининг эътиқодларини камситмаслик; инсонларни қадрлаш ва уларга ҳурмат назари билан қараш.*

**(Нақшбандия таълимотидан).**

**Меҳр ва Мурувват манзиллари бўйлаб «Халқ сўзи» мухбирлари Ш. ЖАББОРОВ ва Р. ГАЛИЕВ (суратлар) сафар қилишди.**

***Хожа Аҳрор Валийнинг маънавий қиёфасидаги улуғворликни ҳис этишда ёзма манбаларнинг аҳамияти катта бўлса-да, ул зотнинг сувратига мукаммал чизгилар бериш мушкул ишдир.***

***Фикримизча, Хожа Аҳрор маънавий дунёсидаги унинг буюк замондошлари Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур нигоҳи билан назар ташласак, кўзланган мақсадга эришган бўламиз.***

***Жумладан, улуғ шоир, мутафаккир ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур Хожа Аҳрорга кичик замондош эдилар. Бобур Мирзо таваллуд топган даврда Хожа Аҳрор ҳазратлари 80 ёшни қоралаб қолган, Валийлик мақомига етишиб, довруғи бутун мусулмон оламига кетган эди.***

# «ТИЛ АНИНГ ҲАМДИДА ҚОСИРДУР...»

## *(Хожа Аҳрор Валий Мирзо Бобур зикрида)*

Аллоҳнинг инояти ва тақдир тақозоси билан Хожа Аҳрор Валий Умаршайхнинг фарзанди Мирзо Бобур таваллуд топганида муборак нафаслари билан азон айтиб, унга «Заҳириддин Муҳаммад» деб исм қўйганлар. Муаррих Мирзо Муҳаммад Ҳайдар «Тарихи Рашидий» асарида бу муҳим воқеа содир бўлган сана — ҳижрий 888 йилнинг 6 муҳаррам куни, яъни милодий 1483 йил 14 февраль эканини қайд этади.

Афсуслар бўлсинким, бу тарихий онларнинг тафсилоти манбада кенг берилмаган. Албатта, бу воқеа шунчаки тасодиф эмас. Балким, бу маросим султон Абу Саид билан Ҳазрати эшон ўртасидаги самимий дўстликнинг давомийлигидан нишонадир.

Ёшлигидан ўта зийрак ва ноёб иқтидорли бўлган Мирзо Бобур Хожа Убайдуллоҳнинг фазилатлари, кароматлари ҳақидаги дастлабки сўзларни, ҳикояларни отаси Умаршайх Мирзодан эшитган.

Хожа Аҳрор Умаршайхнинг Фарғона давлати ва хонадонининг эъзозли меҳмони сифатида қувончли ва осуда, таҳликали ва саросимали кунларда Андижонга бориб, ўзининг садоқатли мухлисларига бўлган ихлосу муҳаббатини изҳор этарди. Умаршайх Мирзо билан унинг оғалари ўртасида можаро ёки нифоқлар пайдо бўлса, уни бартараф этувчи Ҳазрати Эшон эди. Бу ҳақда муаррих Мир Саид Шариф Роғим шундай ёзади: «Улуғларнинг улуғи... Хожа Аҳрор Андижонда сулҳ барпо қилиб, оға-инилар Султон Аҳмад Мирзо билан Умаршайх Мирзо ўртасидаги низони бартараф қилдилар. Икковлари ўртасида тез-тез содир бўлиб турадиган низоларни тинч йўл билан бартараф этмоқлик учун оға-ини ораларини яхшилаш ва шул муборак қадамлари шарофати билан хайрли ишларни рўёбга чиқариш ул ҳазратнинг орзуси бўлиб, ихтилофларни бутунлай ман қилдилар. Бу воқеа ҳижрий 883 (милодий 1480) йилда содир бўлди».

Бобур падари бузруквори Умаршайхнинг феълу атвори ва фазилатлари ҳақида айтаркан, Хожа Убайдуллоҳга меҳри борлигини алоҳида таъкидлайди: «Ҳанафий мазҳаблик, покиза эътиқодлик киши эди, беш вақт намоз тарк қилмас эди. Ҳазрат Убайдуллоҳга иродати бор эрди, суҳбатларига бисёр мушарраф бўлиб эди. Ҳазрат хожа ҳам фарзанд деб эдилар».

Бобурнинг Хожа Аҳрорга нисбатан меҳру муҳаббати ва ихлосини шунчаки Умаршайх измидан бориш тарзида тасаввур қилиш тўғри бўлмас. Бобур Мирзо ғоят нотинч, алғов-далғов даврда тахтга ўтириб (1494) ҳамма вақт жангу жадаллар билан банд бўлса-да, зоҳирий ва ботиний илмларни мустақил эгаллади. Айниқса, тасаввуф тариқати замиридаги ғоят бой ва теран маънавиятни чуқур идрок

### *Маънавиятимиз сарчашмалари*

қилди. Бобур ўзи кўтарилган маънавият чўққисидан туриб, Хожа Аҳрорда улуғлик ва фақирлик хислатлари мужассамлигини сезди, ул зотнинг соҳиби каромат эканлигига тўла ишонч ҳосил қилди. Бобур наздида Хожа Аҳрор гўё инсоний баркамолликнинг тимсоли эди. Гарчанд улар тақдир тақозоси билан учрашмаган бўлсалар-да, доимо Бобурнинг кўз ўнгида, шуурида Ҳазрати Эшоннинг нурли қиёфаси намоён бўларди. Хожа Аҳрор гўё Бобур учун энг қалтис, таҳликали онларда ғойибона мадад бергандай бўларди. «Бобурнома»да ўқиймиз: «... Ўзимни ўлумга қарор бердим. Ўшал боғда бир сув оқиб келадур эди, вузуъ қилдим, икки ракат намоз ўқудум, бошимни муножатка қўюб, тилак тилайдур эдимким, кўзум уйқуга борибтур. Кўрадурменким, Хожа Яъқуб Хожа Яҳёнинг ўғли Хожа Убайдуллоҳнинг набиралари рўбарўйимга аблақ от миниб кўп жамоати аблақ сувар билан келдилар. Дедиларким, биз аларга истнонат тегуриб подшоҳлик маснадига ўлтургузуббиз. Ҳар ерда мушкул иш тушса, бизни назарига ёд этсун, биз анда ҳозур бўлурмиз. Холо ушбу соат фатҳ ва нусрат сизнинг соридур. Бош кўтаринг, уйғонинг». Тез орада Бобурнинг Қутлуғ Муҳаммад барлос Бобои Паргарийлар етакчилигидаги 15-20 га яқин садоқатли навкарлари етиб келишган. Маълум бўлишича, Қутлуғ Муҳаммад Барлоснинг тушида Хожа Убайдуллоҳ башорат қилиб «Бобур подшоҳ Қарнан деган кенттадур, бориб они олиб келингким, подшоҳлик анга тааллуғ бўлубтур» — деган.

Маълумки, Бобур Хожа Аҳрорнинг «Волидия» номли рисоласини форсийдан туркийга ўгирган. Бобурга «Волидия»ни назм билан туркийга таржима қилиш фикри, уни иситма ҳарорати беҳаловат қилиб турган кунларга тўғри келади ва бу эзгу ниятни амалга оширишга киришади. Бу хайрли ишни бошланишдаёқ каромат содир бўлади. Мана, Бобурнинг ўз сўзлари: «Одина куни ойнинг йигирма учида ҳарорат бадανимда зоҳир бўлди. Андоқким, жумъа намозини масжидда ташвиш била ўтадим, намози пешин эҳтиёжини қилиб, китобхонада бир замондан сўнг машаққат била ўтадим. Индини якшанба куни иситиб, озроқ титрадим. Сейшанба куни кечаси сафар ойининг йигирма еттисида Ҳазрат Хожа Убайдуллоҳнинг «Волидия» рисоласини назм қилмоқ хотиримга кечди. Ҳазратнинг руҳига илтижо қилиб, кўнглумга кечурдумким, агар бу манзум ул ҳазратнинг мақбули бўлур. Тангри инояти била, Ҳазратнинг ҳимматидин, панжшанба куни ойнинг йигирма тўққизида андаке афсурда бўлди, ўзга бу оризадин холос бўлдум. Шанба куни рабиулаввал ойи саккизида рисола сўзларининг назм қилмоғ ихтитомиға етти. Бир кун эллик икки байт айтилди».

Бобурнинг қалб кўри ва зўр маҳорати билан ўзбекчага ўгирилган «Волидия» манзумаси 243 байт ва 6 та босма нусхада бизгача етиб келган бўлиб, улардан бири асар ёзилган ҳижрий 935 (милодий 1538) йилда кўчирилган, у Ҳиндистондаги Рампур кутубхонасида сақланади.

1991 йилда шарқшунослардан Алибек Рустамов ва Саидбек Ҳасановларнинг саъй-ҳаракатлари билан у «Рисолаи Волидия» номи билан Тошкентда чоп этилди.

Бобур талқинидаги «Волидия»да таржимоннинг Хожа Аҳрор ҳақидаги ўйлари, эҳтироми нафис фалсафий маънолар билан йўғрилган байтларда берилади. Мана, ўша шоҳ сатрлар:

*Ҳазрати хожа*
*Убайдуллоҳдин,*
*Эшит ул сирри*
*Худо огоҳдин.*

*Хожалар хожаси*
*ул Хожа Убайд*
*Ходиму чокару*
*Шиблийу Жунайд.*
*Ҳолату мартабаси*
*зоҳирдур,*
*Васфу таърифида*
*тил қосирдур.*

Тарихда Хожани не-не фахрли номлар билан аташмаган. Агар Жомий «Каъбаи мақсуд» деб билган, Алишер Навоий «Тариқат қутби» деб эътироф этган бўлса, Бобур Мирзо уни «Мулло бобо» деб атайдики, соддадиллик билан айтилган бу номда жуда улкан меҳр яширингандир.

Бобур отасининг акаси, Мовароуннаҳр ҳукмдори Султон Аҳмад Мирзо фаолияти ҳақида сўз юритар экан, унинг мамлакатни бошқаришдаги фаолиятида Хожа Аҳрор Валийнинг хизматлари бениҳоя катта эканлигига алоҳида урғу беради. Бу ҳақда «Бобурнома»дан ўқиймиз: «Самарқанд аҳликим, йигирма-йигирма беш йил Султон Аҳмад Мирзонинг замонида рафоҳат (тинч, осойишта) ва фароғат (хотиржам) била ўтказиб эдилар, аксар муомала ҳазрати Хожа (Аҳрори Вали) жиҳатидан адл (адолат) ва ва шаръ (шариат қонунлари) тариқи била эди». Темурийзода шаҳзодалар ўзаро тахт учун тинимсиз курашлар олиб борган замонда йигирма-йигирма беш йил Самарқанд салтанатининг тинч-осойишта бўлишини бир тасаввур қилинг, бу тинчлик фақат Хожа Аҳрор Валий хизматлари эвазига эди. Шунинг учун ҳам Мирзо Бобур Хожа Аҳрор Валий хизматларини ҳаққоният билан алоҳида таъкидлаб кўрсатмоқда.

Бундай буюк пирни ҳурмат қилмасдан бўладими, ахир. Шу ўринда Хожа Аҳрор Валийнинг султонларга кўрсатган муҳаббатини халққа кўрсатган марҳамати деб англамоқ лозим. Бугунги тинч ҳаёт қадри эъзозланаётган замонда бундай хизматнинг нақадар буюк эканлигини ҳар бир онгли одам яхши тасаввур қилади. Ўз даврида Мирзо Бобур ҳам бу ҳолни подшоҳ сифатида ниҳоятда чуқур идрок этган, тинчлик, осойишталикка эришишни турли динлар ҳукм сурган Ҳиндистонда жуда-жуда истаган. Шунинг учун ҳам Хожа Аҳрор Валийнинг «Волидия»си таржимасига Мирзо Бобур бекорга қўл урмаган, гўё у азиз умри охирида буюк пирнинг «Волидия»си орқали ўз фарзандларига панд-насиҳат қилмоқчи бўлгандек ҳам туюлади.

**Барот БОЙҚОБИЛОВ,**
**Ўзбекистон халқ шоири.**
**Зокиржон ҚУТИБОЕВ,**
**тарих фанлари доктори,**
**профессор.**


GSM UZDUNROBITA first cellular

"Уздунробита GSM" тармоғига уланганда

Sim картани программалаштириш

БЕПУЛ!




Доимий тараққиётга қўшилинг!

NEW! 01.11.04 йилдан MMS ва GPRS янги хизматларидан Тошкент шаҳри ва Тошкент, Сирдарё, Жиззах вилоятлари абонентлари фойдаланиши мумкин

- GPRS хизматидан фойдаланиш учун абонент тўлови кунига - $0.10;
- WAP хизматидан GPRS орқали фойдаланиш - $0.008 ҳар бир юборилган ва олинган 10 килобайт маълумот учун, маълумот 10 килобайтдан бўлиниб нархланади;
- Интернет хизматидан GPRS орқали фойдаланиш - $0.32 ҳар бир юборилган ва олинган мегабайт маълумот учун, маълумот 32 килобайтдан бўлиниб нархланади;
- MMS хизматининг ҳар бир чиқиш хабари учун - $0.30, кириш хабарлари эса - БЕПУЛ!

www.uzdunrobita.uz / wap.uzdunrobita.uz — Хизматлар лицензиялаштирилган





TRINITY = RISO

* ризографлар ва сарфлаш материаллари
* қирқиш (ideal), брошюралаш жиҳозлари ва ламинаторлар (rexel)
** жиҳозларни лизинг асосида сотиш
** совғага — «Panasonic» телефон аппарати

Тел./факс: (998 71) 152-26-30, 152-71-95. Товар сертификатланган.



ХАРИДОРЛАР ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 13 ноябрдаги «Ярмарка савдосини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва 2004 йил 21 октябрдаги 04-7-50 баёнига биноан

шу йил 16-19 ноябрь кунлари Тошкент шаҳридаги «Халқ истеъмол моллари регионал ярмаркаси»да (Навоий кўчаси, 25-уй)



«Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг», «ЎзМАДпарранда» компаниялари, «Ўздонмаҳсулот» давлат акционерлик корпорацияси, «Озиқовқатсаноат», «Ёғмойтамакисаноат», «Ўзгўштсутсаноат» уюшмалари, хусусий тадбиркорлар ва «Ўзбексавдо», «Ўзбекбирлашув» акционерлик компаниялари томонидан 2005 йилда ишлаб чиқариладиган сут, гўшт ва гўшт маҳсулотлари, қандолат ва макарон маҳсулотлари, спиртли ва алкоголсиз ичимликлар, консервалар, қуруқ ва қайта ишланган мева-сабзавот ҳамда бошқа озиқ-овқат маҳсулотларга республика ҳудудида жойлашган барча истеъмолчилар билан шартномалар тузиш учун



республика улгуржи-савдо ЯРМАРКАСИ ўтказилади.



Ушбу ярмаркага барча халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи ҳамда савдо корхоналари, ташкилотлари, кичик бизнес вакиллари, хусусий тадбиркорлар таклиф этилади.



Ярмаркага марҳамат!

«Ўзбексавдо» акциядорлик компанияси

ТЕЛЕФОНЛАР: 139-46-97, 139-48-26 139-49-00, 139-43-66.



«ТРУБНАЯ МЕТАЛЛУРГИЧЕСКАЯ КОМПАНИЯ» (Российская Федерация)

ОАО «УЗКОММУНМАШТАЪМИНОТ»

предлагает к реализации стальные трубы со склада в г.Ташкенте по нижеуказанным отпускным ценам.

Завод-изготовитель – «Северский трубный завод» (г.Полевской, Свердловская обл.)

| Диаметры труб (мм) | Цена за 1 тонну сўм. Цены действительны по 22.11.2004 г. |
|---|---|
| **ТРУБЫ ВОДОГАЗОПРОВОДНЫЕ ГОСТ 3262-75:** | |
| ДУ 15х2,8 мм | 939000 |
| ДУ 20х2,8 мм | 939000 |
| ДУ 25х3,2 мм | 929000 |
| ДУ 32х3,2 мм | 919000 |
| ДУ 40х3,0 мм | 919000 |
| ДУ 50х3,0 мм | 919000 |
| ДУ 65х4,0 мм | 899000 |
| ДУ 80х3,5 мм | 899000 |
| **ТРУБЫ ЭЛЕКТРОСВАРНЫЕ ГОСТ 10704-91; 10705-80:** | |
| 89х5,0 мм | 899000 |



Кроме того, под заказ поставляем металлические трубы любого диаметра и назначения с трубных заводов, входящих в состав «Трубной металлургической компании» (Россия):

- Волжский трубный завод (г.Волжский, Волгоградская область);
- Северский трубный завод (г.Полевской, Свердловская область);
- Синарский трубный завод (г.Каменск-Уральский, Свердловская область);
- Таганрогский металлургический завод (г.Таганрог, Ростовская область).

Контактные телефоны: 132-20-56, 134-05-75, 134-07-94, факс 132-20-56.
E-mail: uzkommashta@tkt.uz
Адрес: 700035, г.Ташкент, ул.Ниёзбек йули, 1, 7-й этаж, здание института «Узбеккоммуналлойиҳа».

Товар сертифицирован, услуги лицензированы.


Ўзбекистон Республикаси Президенти девони жамоаси Президентнинг Матбуот котиби хизмати ходими Фарҳод Қурбонбоевга падари бузруквори **АБДУЛЛА отанинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки жамоаси Банк тизимида методология ишларини мувофиқлаштириш департаменти бошқарма бошлиғи ўринбосари Абдураҳмон Исажоновга волидаи муҳтарамаси **РАЙҲОН аянинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ректорати, касаба уюшмаси ташкилоти Онкология ва УТД кафедрасининг профессори Мухарам Исамуҳамедовага онаси **Мамлакат ҲАЙДАРОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г —968. 22129 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди. [1]-Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Э. Болиев.
Навбатчи — Х. Эшманов.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.00 Топширилди — 00.10 1 3456